

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни таҳқирлаган аёл жаримага тортилди



09:03 / 26.10.2018 5403

Европа иттифоқининг инсон ҳуқуқлари ташкилоти пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан таҳқир сўз эркинлигининг бир кўринишига эътибор бермаслик борасидаги қарорини янгилади. Бу, Европанинг бир қанча нашрлари турли вақтларда сўз эркинлигини рўқач қилган ҳолда чоп этган ва жиддий можароларга сабаб бўлган карикатуралар боис Ислом оламини қўллаб-қувватлашдир.

Ташкилот йиғилишининг пайшанба кунги қарорида австриялик аёлга пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан очиқ-ойдин таҳқирлашлар қилгани учун қўлланган жарима ҳукмини тўла қўллаб-қувватлади.

Унда Пайғамбарга нисбатан ҳурматсизлик, ўз-ўзидан ҳар бир мусулмон ҳуқуқининг поймол этилишига, шунингдек диний бағрикенгликнинг заифлашишига ҳам олиб келади, дейилади.

Оммавий ахборот воситаларида исми ошкор қилинмаётган австриялик аёл пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни очиқ-ойдин таҳқирлагани ва диний зиддиятни урчитиш айби билан Австрия судида жаримага тортилган. Бу эса бир вақтлар пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан таҳқир сўз эркинлигининг бир кўриниши, дея эътироф этган Европа инсон ҳуқуқлари ташкилоти ўз қарорини қайта кўриб чиқишига омил бўлди.

Islom.uz портали таҳририяти